


# ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ







*Ватанимизнинг кўп минг йиллик тарихи эл-юртимизни босқинчи, ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш, миллатимизнинг эркинлиги ва ор-номусини асраш йўлидаги буюк воқеаларни, бу курашларда жасорат ва мардлик кўрсатган буюк шахсларнинг номларини асрлар давомида ўзининг ёрқин хотирасида сақлаб келмоқда.*

**Ислом КАРИМОВ.**

**Дарҳақиқат, миллатимиз эркинлиги, ор-номусини асраш йўлида озодлик учун курашган ва бу курашларда мислсиз жасорат кўрсатган улуғ аждодларимизнинг муборак номларини англаш, уларни халқ бағрига қайтариш борасида Мустақиллигимизнинг ўтган тўққиз йили мобайнида юртимизда оламшумул ишлар амалга оширилди. Кўплаб буюк зотларнинг ҳурмати бажо келтирилди, уларнинг номлари нафақат Ўзбекистонга, балки бутун жаҳонга ёйилди.**

**«Тошкент оқшоми» газетаси бугундан бошлаб «Юрт озодлиги йўлида курашган аждодларимиз» рукн остида она юртимизнинг қўрқмас ва фидойи курашчилари ҳақидаги туркум мақолаларни ёритиб боради. Биринчи ҳикоямиз халқимизнинг жасур қизи, озодлик маликаси, мағрур ва қўрқмас ТЎМАРИСНИНГ мислсиз ва беқиёс жасоратига бағишланади.**

*Юрт озодлиги йўлида курашган аждодларимиз*

**Хуршид ДАВРОН, Ўзбекистон халқ шоири**

# ОЗОДЛИК МАЛИКАСИ

Бу воқеа эрамиздан олдинги 530-529 йиллар орасида бўлиб ўтган.

Ўша замоннинг буюк ҳукмдорларидан бири — форслар подшоҳи Куруш (Кир) ўз салтанати теграсида яшайдиган халқларни кетма-кет бўйсундирар экан, ўз номини шоншуҳратга кўмиш мақсадида янги-янги юришлар режасини тузарди.

Куруш милоддан аввалги 539 йилда афсонавий Бобил шаҳрини қўлга киритган эди. Бундай бой ва шавкатли шаҳарни қўлга киритганидан Куруш дунёга сиғмасди. Зеро, Бобилнинг забт этилиши билан ўша даврнинг энг қудратли давлати ва Курушнинг босқинчилик юришларига энг катта тўсиқ бўлиб турган Ашшура (Ассирия) давлат сифатида барҳам топди. Курушнинг Бобилни забт этгани ҳақидаги хабар «Осиё ҳукмдори туғилди» деган хабар каби тарқалди.

БОБИЛ забт этилган санадан роппа-роса ўн йил ўтгач, Куруш ўзининг оч назарини бошқа бир икки дарё — Сирдарё (Ҳеродот бу дарёни Аракс деб атайди) ва Амударё оралиғидаги тупроққа тикди.

Аммо ўша олис йилларда Амударё бугунгидек Орол денгизига эмас, балки Каспий денгизига бориб қуюларди. Бугунги қуриб қолган Ўзбой дарёсининг ўзани ўша қадимги Аракс (Амударё) йўлидир.

Аракс дарёси ортида массагетлар қабиласи истиқомат қиларди. «Бу массагетлар, — деб ёзади Ҳеродот, — кўп сонли ва жасур қабила эди. Улар Аракс дарёси ортида, кунботар тарафнинг шарқий қисмида яшайдилар. Баъзилар уларни ҳам скифлар қабиласидан деб билишади».

Куруш ўзининг очкўз назарини массагетлар ерига тиккан йилларда бу қабила устидан Тўмарис исмли малика ҳукмронлик қиларди. Маликанинг эри ўн йилча бурун ўлган эди. Унинг якка-ю ёлғиз ўғли Спарганис массагетлар қўшинига бошчилик қиларди. Массагетлар қўшинида эркаклар билан тенгма-тенг хотин-қизлар ҳам қатнашардилар. Улар қиличбозлик, айниқса массагетлар учун асосий қурол бўлган камондан ўқ узишда эркаклардан қолишмасдилар.

Куруш жуда кўп юртларни ҳийла билан жангу жадалсиз эгаллаб олгани учун бу гал массагетларга ҳам найранг ишлатмоқчи бўлди. У малика Тўмарис ҳузурига ўз элчиларини турли-туман тортиқлар билан жўнатди. Элчилар келиб, совғаларни топширдилар ва буюк шаҳаншоҳ массагетлар маликаси Тўмарисни ўзига хотинликка сўраётганини айтадилар. Аммо ҳам ўктам, ҳам заковатли малика форслар ҳукмдорининг асл ниятини осонгина пайқаган эди. Шунинг учун ҳам у гапни чўзиб ўтирмай элчиларга рад жавобини бериб, улар келтирган тортиқларга қўл тегизмай қайтариб жўнатди. Элчиларни жўнатган малика эртага албатта уруш бўлажагини билгани учун ҳам Спарганисни ва қабиланинг ҳурматли кишиларини ҳузурига чорлаб, кенгаш ўтказди.

Ҳийласи иш бермаганидан аламзада Куруш қўшинини бошлаб массагетлар юртига қараб отланди. У энг аввало Аракс дарёсидан ўтиш учун жуда кўп қайиқ ва соллар ясатди, сўнг уларни бир сафга тизиб кўприк ясашни буюрди.

Сафарбарлик ишлари билан машғул бўлган безовта Куруш қошига Тўмарис жўнатган элчилар келиб, унга массагетлар маликаси сўзини етказдилар.

Малика Тўмарис Курушга қарата шундай деган эди: «Мидия ва Форс шоҳи! Бу йўлингдан қайт. Сен қуришга амр этган бу кўприк сенинг бошингга нелар келтиришини ҳали билмайсан. Наҳотки, сен нимани истасанг, ўша нарса бажо бўлишига ишонасан? Бу ниятингдан воз кеч, ўз юртингда подшоҳлик қил. Бизнинг юртимизга кўз тикма. Сен, албатта, бу гапларни назар-писанд қилмаслигингни ҳам биламан.

Сен тинчликни эмас, урушни истаяпсан. Агар массагетлар билан жанг қилмоқни истаётган бўлсанг, кўприк қуриб овора бўлма. Биз сенга дарёдан бемалол, ҳеч қандай тўсиқсиз ўтиш имкониятини берамиз. Биз дарё қирғоғидан уч кунлик масофада бориб турамиз. Агар хоҳласанг, сен дарёдан ўтиб ўтирма, ўзинг уч кунлик масофада чекиниб бизни кут. Биз дарёдан ўтиб олайлик. Кейин жанг қиламиз!»

Малика Тўмариснинг бу мардона сўзлари Курушни ҳайратга солди, жавоб тополмай боши қотди. Кейин ўз саркардаларини кенгашга чорлади. Кенгашда Куруш Тўмарис сўзларини ҳаммага айтиб берди. Кўпчилик орқага чекиниб, массагетлар қўшинига дарёдан ўтиш имкониятини бериш тарафдори бўлди. Бу таклиф тарафдорлари «Ўзимизга яхши таниш ерда урушиш осон, Аракс ортида бизни нималар кутаётганини аниқ билмаймиз», дедилар.

Аммо Курушнинг энг яқин маслаҳатчисига айланган собиқ Лидия шоҳи Крез кўпчиликнинг фикрига қарши чиқди. «Шоҳим! — деди Крез. — Шу пайтгача мен сенинг садоқатли хизматкоринг эканимни исботлаб келяпман. Бундан кейин ҳам шундай бўлади. Менинг сенга бўлган садоқатим қутлуғ хонадонингга нисбатан ҳар қандай хавф-хатарни бартараф этиш йўлларини қидиришга мажбур этади. Албатта, сен ўзингнинг боқийлигингга ва енгилмас қўшинингга бош эканингга ишонасан. Шундай экан, менинг ҳозир айтмоқчи бўлган гапларим фойдасиз эканини билиб турибман».

«Фойдасиз бўлса ҳам ўз фикрингни айт!» — деди Куруш.

«Шоҳим! — деди Крез. — Бизга аниқ маълумки, массагетлар товушқон овлаб, уни ўтда пишириб еб юрадиган бир оми халқ. Улар дунё лаззатларидан бехабар: на шароб, на асл таомлар мазасини биладилар.

Шунинг учун ҳам дарёдан ўтиб, дашт ичкарисига киргач, бир манзилда қўним топгач, сен лашкаринг учун асраган буқаларни сўйиб, турли-туман лаззатли таомлар тайёрлашни буюр. Яна шуни амр этгинким, мамлакатингдаги бор бўш кўзалар она юртим — Лидия узумзорларида етилган ҳосилдан тайёрланган кучли, чолларни гўдакка, йигитларни тантиқ қизга айлантиришга қодир шароб билан тўлдирсин. Булар ҳаммаси тахт бўлгач, бутун қўшин билан яна дарёга қараб чекин. Озгина аскарларингни эса массагетлар билан жангга чиқар. Улар биринчи тўқнашувдаёқ орқага қараб қочадилар. Зафар маст қилган массагетлар қўшини, албатта, уларни қувадилар ва албатта, ўша биз тайёрлаган ғаройиб дастурхон устидан чиқиб қоладилар. Агар адашмасам, улар умрларида кўрмаган ноз-неъматларни тотмай ўтиб кетишга бардош беролмайдилар. Ана шунда уларни бизнинг қиличимиз эмас, ўзларининг нафслари мағлуб этади. Массагетларни форс қиличи эмас, форс шароби енгади. Агар сўзим амалга ошмаса, тақдир яна сенга улуғ жасоратлар қилишингга имкон беради. Сўзимни тугатдим».

Крезнинг сўзлари форслар ҳукмдорига маъқул тушди. У ўз саркардалари таклифини рад этди ва шошилинч равишда малика Тўмарисга унинг биринчи таклифини қабул қилганини, дарёдан бемалол кечиб ўтиши учун массагетлар уч кунлик масофада туришларига розилигини етказишни буюрди. Озгина вақт ўтмай айғоқчилар массагетлар қўшини дарё соҳилини тарк этиб, саҳро ичкарисига йўл олганини шоҳга хабар бердилар. Куруш бу хабарни эшитиб, ўғли Камбисни ҳузурига чақирди. У ўғлига ўзи массагетлар билан урушни тугатгунга қадар мамлакатни бошқариб туришни ва унга доно Крезни маслаҳатчи қилиб тайинлаганини айтди. «Мен ҳатто бу урушда мағлуб бўлганимни эшитсанг ҳам Крезнинг жонига қасд қилма. Уни асра!» — деди Куруш ўғлига.

Форслар қўшини эрталабдан то қуёш ботгунча дарёнинг уч-тўрт жойидан кечиб ўтиб, дашт ичкарисига қараб юрди. Аскарлар бир кунлик масофани босиб, бир воҳада тўхтаб қўним топдилар. Сўнг Крез берган маслаҳатга амал қилиб, Куруш кўтарган чангу тўзони тинмаган буқаларни бир бошдан сўйиб, лаззатли таомларни пишириб, шароб қуйилган юзлаб мешларни ва кўзаларни тайёрлатди. Барча тадбирлар амалга ошгач, Куруш бир неча минг аскарни бу хуш ислар таратиб турган дошқозонларнинг ёнида қолдириб, ўзи қўшиннинг асосий қисми билан яна Амударё соҳилига қараб чекинди.

Малика Тўмариснинг ўн саккиз яшар ўғли Спарганис бошқа массагетлар қўшинининг илғор қисми Куруш қолдирган аскарларга тўсатдан ҳужум қилди. Жанг узоқ чўзилмади. Сархуш форс аскарларининг жанг қилмоққа мажоллари қолмаган эди. Уларнинг асосий қисми жанг майдонида қолди, қолганлари отларига миниб қочдилар. Уларнинг қочганини кўрган массагетлар душманни қувишга уринмадилар. Уларни осон тушган ғалаба алдаган эди.

Массагетлар атайин қолдирган дошқозонларни, умрларида кўрмаган шароб қуйилган меш ва кўзаларни кўриб, пайсалламай базм бошладилар. Улар ҳам тушовланган от аҳволига тушганларидан бохабар эмас эдилар. Ўткир шароб ва хуштаъм таомлар ўз кучини кўрсатди. Қуёш оғмай туриб, массагетларнинг ҳаммаси донг қотиб ухлаб қолдилар. Бундан хабар топган Куруш шиддат билан олға юриб ғафлатда ётган сармаст массагетларни ўраб олди. Душманлар қийқириғидан уйғонган массагетлар қиличларини яланғочлаб душманга қўрқмасдан ташландилар. Бироқ улар жанг қиладиган аҳволда эмас эдилар. Уларнинг кўпи қириб ташланди, қолганлари асир олиндилар. Сармаст Спарганис ҳам ярадор ҳолда қўлга тушди.

Малика Тўмарис массагетлар қўшини ва ўғлининг аянчли қисматидан хабардор бўлгач, форслар қароргоҳига чопар жўнатди. Чопар форслар ҳукмдорига малика Тўмариснинг қуйидаги сўзларини етказди: «Қонхўр Куруш! Душманимни енгдим деб ғурурланма. Сен ўғлимни ва массагет жангчиларини қилич билан юзма-юз жангда эмас, ўзларингни ҳам номаъқул сўзлар ва хатти-ҳаракатлар қилишга мажбур қиладиган узум суви билан эс-ҳушидан айириб мағлуб этдиларинг. Менинг сенга маслаҳатим: ўғлим Спарганисни қайтариб бер-да, массагетларнинг бир қисмини нобуд этганингдан шодланиб, мамлакатим тупроғини илoжи борича тезроқ тарк эт! Агар маслаҳатимга қулоқ солмасанг, массагетларнинг олий тангриси Қуёш ҳақи онт ичаман: сенга аскарларинг қонини ичираман!»

Ғалаба нашидасидан маст Куруш даштлик хотиннинг дағдағаси устидан қаҳ-қаҳ отиб кулди-да, чопарнинг қулоқ-бурнини кесиб, юзига қозон куясини суркаб қайтариб жўнатди.

Эртаси куни Курушга тутқун Спарганис ўзини занжирдан халос этишларини сўраганини етказдилар. Шоҳ дарров тутқуннинг бу талабини адо этишларини ва шитоб билан ўз ҳузурига олиб келишларини буюрди. Куруш олдидаги шароб тўла косани ҳали бўшатишга улгурмай, ташқарида туйқусдан ғалати шовқин-сурон кўтарилганини сезди... Ичкарига шоҳ қўриқчилари бошлиғи ҳабаш қул отилиб кирди. Унинг ранг-рўйи оқариб кетган эди. Қўрқиб кетганидан кўзлари чақчайган ҳабаш Куруш қаршисига келиб тиз чўкди ва шоҳга тутқун Спарганис қўл-оёғи занжирдан бўшаши билан тўсатдан ҳамла қилиб соқчилардан бирининг ханжарини тортиб олиб ўз жонига қасд қилганини айтди.

Куруш чодирдан чиқиб массагетлар саркардасининг жонсиз танасига бир муддат индамай тикилиб турди-да, унинг кўксига ботиб турган ханжарни бир силтаб тортиб олди. Сўнг ёнида турган соқчиларга кўз ташлаб, Спарганисга ўз ханжарини тортиб олишга имкон берган аскарга келганда, унга ғазаб билан тикилган Куруш тўсатдан шиддат билан ташланди-да, унинг кўксига ханжар ботирди. Нима бўлганини билмай қолган бечора аскар бир муддат кўксига ботган ханжарини суғуриб олишларини кутгандек, чайқалиб турди-да, кейин гурсиллаб ерга қулади. Куруш миқ этмай чодирга қайтиб кирди. «Лаънати ғофиллар, — деб ўйларди у, — даштлик хотин ўғли қўлимда тирик юрса, онасининг кўкси аламу изтиробдан куйиб, тузукроқ жанг қилишга ярамасди. Ҳатто жангга чиққандаям душманни енгишни эмас, ўғлини қутқаришни ўйларди. Менинг ҳар дақиқада ўғлини қатл қилишим мумкинлигимни ўйлаб адойи тамом бўларди. Энди-чи, энди?! Энди у ярадор шердан ҳам даҳшатли. Энди у тирик ўғлини қутқараман деб эмас, ўғлимнинг ўчини оламан, деб жанг қилади. Энди у ўлимдан қўрқмайди. Олдин ўртамизда ҳаёт турган бўлса, энди ўртамизда ўлим турибди. Энди қийин бўлади...»

Мана шу ўйлар қучоғида турган шоҳ орқасидан кетма-кет югуриб кирган соқчилар бошлиғи массагетлар қўшини шиддат билан шоҳ қўналғаси томон келаётганларини айғоқчилар хабар қилганларини етказди.

Куруш қўшинни жанговар сафга тизишни буюрди. Ўша заҳоти жанговар ноғоралар товуши теп-текис дашт сукунатини бузиб юборди. Шоҳ чодири устунларида қўниб турган ёввойи кабутарлар «гурр» этиб осмонга кўтарилиб учдилар. Куруш севимли отини келтиришни буюрди. Отига мингач, қиличини яланғочлаб саф тортган безовта аскарлар олдига чиқар экан, олисда массагетлар қўшини кўтарган чангу тўзонни кўрди. «Энди қийин бўлади!» — деб ўйлади яна Куруш.

Курушнинг кўнгли безовталанди. Жанг шундай давом этадиган бўлса, кўп аскарларидан жудо бўлишини сезган шоҳ қўшинини олдинга бошлади. Массагетлар ҳам шуни кутиб тургандек олдинга ташландилар. Жанг жуда узоқ давом этди. Массагетлар — эркагу хотинлар баб-баравар ортларидаги ҳимоясиз болалари, кекса ота-оналари, чеки йўқ саҳро — киндик қонлари томган она юртлари турганини туйиб ўлимдан қўрқмай жанг қилардилар. Уларнинг шижоатини кўрган форс аскарлари юрагида қўрқув ғимирлай бошлади, дилларидаги титроқ қўлларига ўтди. Ниҳоят, улар мардона рақибга бас келолмасликларини англадилар ва жанг майдонини ташлаб қоча бошладилар. Массагетлар уларни қувиб дарёга етдилар. Дарёдан бирорта ҳам форс аскари кечиб ўтолмади.

Осиёни неча йиллардан бери зир титратиб келаётган Куруш ҳам жангда ҳалок бўлди. Жанг бошланган жой билан дарё оралиғида форсларнинг икки юз минглик қўшини нес-нобуд бўлди.

Ўғли Спарганис алами қийнаган малика Тўмарис амрига биноан жанггоҳдаги мурдалар орасидан форслар ҳукмдори жасадини қидирдилар. Тўлин ой чиқиб, атроф сутдек оппоқ эди. Туни билан қидириб, тонгга яқин Курушнинг жонсиз танасини отда судраб келтирдилар. Массагетлар маликаси икки кун илгари ўғли бошлиқ аскарларни нобуд этиш учун хизмат қилган шаробдан бўшаган мешларнинг бирини форс аскарлари қони билан тўлдиришни буюрди. Массагетлар тангриси Қуёш ҳақи ичган қасамини ўташ учун Курушнинг бошини танасидан жудо қилиб қон тўла меш ичига ташлар экан, ғазабдан ҳайқирди: «Сенга ўз аскарларинг қонини ичираман дегандим, мана, сўзимнинг устидан чиқдим. Ич энди, қонхўр, тўйиб-тўйиб ич!»

Малика Тўмарис жасорати икки дарё оралиғида яшовчи халқлар тарихида ўчмас из қолдирди. Шу сабабдан муаррихлар бу қаҳрамон аёлни гоҳ бу, гоҳ у халққа мансуб бўлгани ҳақида ёзадилар. Аммо тарих фақат муаррихлар мулки эмас, тарих халқ ёдномаси ҳамдир. Мозийда бўлиб ўтган ҳар бир воқеа фақат тарихчи битигида эмас, энг аввало халқ хотирасида ўзининг боқий изини қолдириши шак-шубҳасиз. Халқ оғзаки ижоди намуналарида, хоҳ «Алпомиш» бўлсин, хоҳ «Қобуснома» бўлсин халқлар босиб ўтган йўллар давомида содир бўлган ҳодисалар ўз аксини топган. Худди шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Тўмарис жасоратига назар ташлайлик. Бундан бор-йўғи юз-юз эллик йилча бурун Самарқанд даштларида «Ойсулув» номли достон куйланган. Минг афсуски, Эргаш Жуманбулбулнинг момоси бўлмиш Тилла кампир куйлаган бу достон бизгача етиб келмаган ва атоқли олим Ҳоди Зариф достон мазмунини ёзиб олган, холос. Достоннинг бош қаҳрамони Ойсулув Эрон подшоҳи босқинчи Дорога қарши курашади. Ойсулув тимсолида малика Тўмарис намоён бўлгани ҳақида гапириб ўтириш ортиқча. **«Ойсулув» достонининг мавжуд бўлгани биз — ўзбекларнинг Тўмарис жасоратига ворис эканимизни тасдиқлаб туради.**

Қадим мозий битикларини варақлаган инсонлар дунёнинг ярмини титратган форслар ҳукмдори Куруш номини эмас, балки **ОНА ЮРТИНИ ҳимоя қилиб босқинчиларни мағлуб этган озодлик маликаси, мағрур ва қўрқмас Тўмарис номи улуғланганига гувоҳ бўладилар.**

*Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

# МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ташкилотларнинг раҳбарлари, туман ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этдилар.**

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова олиб борди. Унда кун тартибидаги Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуасининг ҳамда мажмуа таркибига кирувчи ташкилотларнинг 2000 йилнинг биринчи ярим йиллигида амалга оширилган ишлари тўғрисидаги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 февралдаги 46-сонли «Соғлом авлод» давлат дастурининг бажарилиши тўғрисида»ги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2000 йил 28 февралдаги 124-сонли «Соғлом авлод» дастурини ҳаётга амалий тадбиқ этиш тўғрисида»ги қарорларини 2000 йил биринчи ярим йили мобайнида мажмуа ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар томонидан бажарилиши ҳақидаги масалалар муҳокама этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибияти ва шаҳар хотин-қизлар қўмитаси жорий йилнинг 6 ойи мобайнида оила, оналар ва болаларни ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳимоялаш, уларни соғломлаштириш мақсадида тасдиқланган режага асосан қатор тадбирларни амалга оширди. Хотин-қизлар ва ёшларнинг юксак ҳуқуқий маданиятга эга бўлишларини таъминлаш, қонунчилик, ҳуқуқий тарбия, соғлом эътиқодни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

«Соғлом авлод» давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун котибият, шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари ўз фаолиятларини туман ҳокимликлари, барча бошқармалар, бўлимлар, корхона ва ташкилотлар, турли муассасалар, маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органлари, жамғармалар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб борилганлиги, жойларда амалга оширилган тадбирларда асосий эътибор маънавий етук ва жисмонан соғлом ёшларни вояга етказиш, оналар саломатлиги, соғлом авлод камол топиши учун оилада ва маҳаллада соғлом муҳит яратишга қаратилганлиги таъкидланди.

Туманларда фаолият кўрсатаётган барча ФҲДЁ бўлимлари қошида «Ёш оилалар мактаблари»ни ташкил этиш учун махсус хоналар ажратилди. 1-Бахт уйи қошида АСХМ (Ахборот-сервис хизмати) «Ёш оила мактаби» марказлаштирилган ҳолда ташкил этилди. Ҳисобот даврида 6774 та келин-куёвлар ушбу хизматдан фойдаланганлиги, 1818 та келин-куёвлар эса шаҳар диагностика марказида бепул тиббий кўрикдан ўтганлиги кўрсатиб ўтилди.

Албатта, эришилган ютуқлар, амалга оширилган қатор тадбирлар билан бирга оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантириш, ёш йигит-қизларни маънавий, руҳий, жисмоний жиҳатдан оилавий ҳаётга тайёрлаш ишларидаги, «Соғлом авлод» дастурини амалга оширишдаги камчиликлар ҳам айтиб ўтилди.

Музокараларда сўзга чиққанлар ана шу камчиликларни тугатиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Йиғилиш сўнгида кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар чиқарилиб, камчиликларни тугатиш чора-тадбирлари, олдинда турган вазифалар белгиланди.

*Ифтихор*

# БУЮК НЕЪМАТ МЕВАЛАРИ

Азиз замондош, истиқлол ниҳоятда буюк неъмат эканлигини, бу неъматни кўз қорачиғидек асрабавайлаш зарурлигини энди-энди чуқур англаб етаяпмиз. Бунинг ўзига хос турли сабаблари бор албатта. Қоронғи зулматда узоқ вақт қолиб кетган кимса ногоҳонда ёруғлик юзини кўрганда кўзи қамашиб, то ёруғликка ўргангунга қадар кўзини юмиб олиши табиий ҳол...

Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, жамият тараққиётининг барча жабҳаларида буюк ўзгаришлар юз бермоқда. Энг аввало, инсон омили истиқлол сабаб юксак даражага кўтарилди. Яъни диёримизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида халқимиз ҳуқуқий-демократик жамиятни қуриш учун катта ислоҳотларни амалга оширмоқда. Биргина сўз эркинлиги, дин эркинлиги, миллий ўзлигимиз, тарихимиз, қадриятларимизни англаш йўлида қилинаётган ўзгаришлар салмоғини чамалаб кўриш бу соҳада бажарилаётган вазифалар кўлами нақадар кенг эканлигидан дарак беради. Дарҳақиқат, мустақиллик туфайли ҳар биримиз ўтмишимизни, маданий меросимизни, бир сўз билан айтганда кўҳна тарихимизни рўй-рост ўргана бошладик. Биз киммиз, аждодларимиз ким, деган саволга шукрки жавоб топа бошладик. Қанчадан-қанча буюк ота-боболаримиз, илм-фан ривожига жуда катта ҳисса қўшиб, дунё фани юксаклигига ўзининг бебаҳо кашфиётлари билан танилганлар. Улар билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Чунки Имом Бухорий, Ат-Термизий, Амир Темур, Навоий, Бобур, Улуғбек, Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Яссавий, Марғиноний, Фарғоний, Хоразмий, Ибн Сино, Беруний сингари боболари бўлган халқ ҳар қанча фахрга, эъзозга лойиқ.

Халқ таълимини ислоҳ этиш борасидаги муҳим, мақтанса арзигулик янгиликларни илгари собиқ тузум даврида фақат орзу қилиш мумкин эди холос. Аслида собиқ тузум исканжасидан озод бўлганимизга эндигина 9 йил бўляпти, лекин бу — тарих солномасида жуда қисқа давр ҳисобланишига қарамай ҳар бир вилоятда, туманда, хусусан пойтахтимизнинг ўзида янгидан бунёд этилган олий ўқув юртлари, коллежлар, лицейлар, мактаблар, гимназияларнинг сон-саноғи йўқ. Зеро, маърифатга интилган элнинг келажаги буюк бўлади. Шу ўринда яна бир гап, собиқ шўро даврида қайси ўзбек боласи илм истаб хорижда таълим олиб қайтган, эслай оласизми замондош? Очиғини айтиш жоиз, фақат истиқлол туфайлигина минглаб илмга чанқоқ фарзандларимиз жаҳоннинг мана-ман деган ривожланган давлатлари олий ўқув юртларида таҳсил олиб қайтмоқдалар. Истиқлол туфайли ҳамюртларимиз фақатгина ўзбек тилида юзлаб газета- журналлар ўқиш имкониятига эга бўлишди, ҳар бир вилоятларда ташкил этилаётган телерадио студиялари, нашриётлар халқимиз маънавиятини юксалтиришга ўзларининг озми, кўпми ҳиссаларини қўшмоқда. Инсоф билан айтганда илгари вилоятлардаги телерадиокомпаниялар у ёқда турсин, балки республика миқёсида чоп этиладиган матбуот нашрларининг санаб адоғига етиш мумкин эди. Сизларга эслатганимиз бу — маънавият ривожи йўлидаги дастлабки қадамлар холос. Таълим, маънавият соҳасидаги бу буюк ўзгаришлар ҳақида ўйлаганда диёримиз келажакка ёруғ юз билан боражагига, чунки буюк аждодлари мерос қолдирган илму урфон хазинасидан баҳраманд бўлаётган ҳозирги ёшлар давлатни қатъият ва сабот билан бошқаражагига ишонч ҳосил қилади киши.

Истиқлолга эришган Ўзбекистонимиз бугун саноати, қишлоқ хўжалиги ривожланаётган давлатлар қаторига кириб боряпти. Чунки шу кунгача ғалла, нефть, пахта, тилла, пилла мустақиллигига эришаётганимиз, қисқа муддат ичида Асакада автомобиль ишлаб чиқаришга мўлжалланган завод қурилиб, ишга тушганлиги фикримизга далилдир. Дарҳақиқат, Андижон вилоятидаги машина заводининг маҳсулот бера бошлаганига эндигина 4 йил бўлди. Аммо, кўчаларимизни тўлдириб ғир-ғир у ёқдан бу ёққа, бу ёқдан у ёққа қатнаб юрган «Дамас», «Тико», «Нексия» автомобилларига кўзи тушганда ҳар бир ўзбек фуқароси тўлқинланиб кетиши табиий. Чунки, жаҳонда ўз автомобиль саноатига эга бўлган мамлакатлар сони жуда кам.

Истиқлол диёримизнинг кўпчиликка ҳам маълум бўлмаган имкониятларини очиб берди. Хусусан, спорт соҳасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган кўпгина ҳамюртларимиз жаҳон майдонларида ўзбекнинг кимлигини исботлаб бермоқдалар. Ҳатто, ўзбек кураши жаҳонда тан олиниб халқаро миқёсда мусобақалар, кураш бўйича жаҳон чемпионатлари ўтказилишига сабаб бўлди. Куни кечагина полвонимиз Махтумқули Маҳмудов, Баҳром Авазов Туркияда кураш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида жаҳон чемпионлигини қўлга киритгани қалбларда яна бир бор ғурур уйғотади. Футболчиларимизнинг 1994 йилги Осиё ўйинларидаги ғалабалари, Лина Черязованинг қишки олимпиададаги муваффақияти, Артур Григорян, Рустам Қосимжонов, Ирода Тўлаганова сингари юлдузларимизнинг спорт соҳасидаги юксак ғалабалари туфайли жаҳон майдонларида кўп бора Мустақил Ўзбекистон мадҳияси янгради ва ҳали бошқа кўпгина спортчиларимиз ўз ишқибозларига ана шундай қувончли, лаззатли онларни тақдим этишади дея умид қиламиз.

Хулоса қилиб айтганда юртимизда олиб борилаётган катта кўламдаги бунёдкорлик ишлари, ижтимоий соҳада юз бераётган муҳим ижобий ўзгаришлар, Соғлом авлод йили муносабати билан «Соғлом авлод» дастури асосида қилинаётган ишлар ҳақида ҳар қанча гапириш мумкин. Дарҳақиқат юқорида айтганимиздек 9 йил ичида бажарилган ишларнинг салмоғи жуда улкан. Албатта ҳали бажарилажак юмушлар анчагина, ечимини кутаётган муаммолар ҳам етарли. Лекин ҳар бир фуқаро ўз ишини виждонан, сидқидилдан бажарса, элим деб, юртим деб ёниб яшаса, ишончимиз комилки, яқин йиллар ичида Ўзбекистонимиз жаҳоннинг энг иқтисоди бақувват, ҳар бир соҳаси гуркираган давлатлардан бирига айланажак иншооллоҳ.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ.**



Истиқлол йилларида шаҳримизда жуда кўплаб турар жой бинолари қад ростлади.

*Иқтисодиёт*




# ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТЛАР



Мамлакатимизда импорт ўрнини босувчи экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналарга алоҳида шарт-шароитлар яратилиб, кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Президентимизнинг 2000 йил 5 июндаги «Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари ҳам экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, уларни мулкчилик шаклидан қатъи назар давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, амалдаги солиқ имтиёзларини тартибга солиш ва экспортга мўлжалланган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга шундай имтиёзларнинг рағбатлантирувчи таъсирини кучайтириш мақсадида чиқарилган. Бу, албатта экспортбоп маҳсулот тайёрлаётган корхоналарда ишлаб чиқаришнинг кенг ривожланишида муҳим ҳисса бўлиши шубҳасиз.

Пойтахтимизнинг Сергели туманида фаолият кўрсатаётган «Daewoo Pack Company LTD» корхонаси ҳам ана шундай жамоалар қаторидан ўрин олганига 2 йилдан ошди. Корхонада ойига 200 тонна картон қутилари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган замонавий линия ўрнатилган. Унинг цехларида хорижий мутахассислар томонидан махсус ўқитилган 40 нафар малакали ишчи хизмат қилмоқда.

Ўтган йили корхонада 356,7 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Йилдан йилга унинг сифатли маҳсулотларига талаб ортиб бораётганини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Маҳсулотнинг 25 фоизи эса чет элга экспорт қилинмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган уч турдаги — радиотехника асбоб-ускуналари, тўқимачилик ҳамда тиббиёт маҳсулотлари учун картон қутилари харидорларнинг талабларига тўла жавоб бера олди. Энг муҳими эса жамоа ўз маҳсулотларининг янада кўпроқ қисмини хорижга чиқаришни мўлжалламоқда.

**Дилноза ҒИЁСОВА.**

**СУРАТЛАРДА: корхона цехларида.**

**Сергей Любчич олган суратлар.**

*Фармон ва ижро*

# РЕЖАДАН ТАШҚАРИ ТЕКШИРУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги 2114-сонли «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил этишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармоннинг бажарилиши Яккасарой тумани 17та назорат органларининг 2000 йил биринчи ярми ҳисобот йиғилишида кўриб чиқилди.

2000 йил биринчи ярим якунига кўра Яккасарой туманида 1016 текширишлар ўтказилган бўлиб, 1999 йилнинг шу даврига нисбатан 325та текшириш кам ўтказилган. Кўпчилик назорат органлари режага риоя қилган ҳолда текширувлар ўтказган.

Ракат саноат қурилиш банки (СКБ) томонидан 108та текшириш режалаштирилган бўлса 108 та текшириш ўтказган. Асака транс бўлими банк 17 та текширув белгилаган бўлса 17 та ўтказган. Пенсия жамғармаси 21 та текшириш белгилаган бўлса 18 та ўтказган. Яккасарой миллий банки 52 та текширувдан 52 та бажарган.

Назорат органлари ходимлари аттестациядан ўтказилиб уларга нисбатан талаб оширилган. Қилинган ижобий ишлар қатори бу ерда айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги ҳам йиғилишда айтиб ўтилди.

Назорат органларининг комплекс текширувлари 70 фоизни ташкил қилади. Ҳали ҳам режадан ташқари текширувларга йўл қўйилган. Яккасарой туман Давлат солиқ инспекцияси (ДСИ) томонидан ҳар хил сабабларга кўра 36та текширув режадан ташқари ўтказилган.

Ушбу туман назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ишчи комиссияси йиғилиши йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича бир қатор қарорлар қабул қилди.

Бирйўла 2000 йилга тасдиқланган режа қайтадан кўриб чиқилди ва назорат органларининг текширишлар сони 359 тага камайтирилди.

**Эргаш ОТАЕВ,**
**Яккасарой тумани ҳокими ўринбосари, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ишчи комиссияси раиси ўринбосари.**

## ШАРҚ ДУРДОНАЛАРИ

# Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

• Ҳикоят: Айтишларича, Баҳром Гўр бир дарахтнинг остида ўтирарди. Ногоҳ шохлар орасида бир қушнинг овози эшитилди. Баҳром бир ўқ билан бемаврид «сўзловчи» бу қушнинг ишини тамом қилди. Қушнинг тани мих мисоли шохларга илинди ва жони эса ўқ-ёйнинг иссиқ сихи билан тилинди. У деди: «Қуш ҳам, инсон ҳам ўз тилини сақласа, омон бўларкан!»

Иши хом хўрозни кўрмайсанми, бемавриду бехангом қичқирди-ю, субҳи шомга айланди.

Байт:

***Хўроз қанот қоқиб, бевақт қичқирди,***
***мурувват ўрнига боши қирқилди.***

• Нўъмон ибн Мунзир араб халифаларидан эди. Бир куни у чарчаб, ариқ лабига ўтирди. Шу пайт унинг беҳуда лақмагўй хизматкорларидан бири:

— Агар бир кишини шу ариқ лабига келтириб сўйилса, қони қайси томонга оқади? — деб сўради.

Нўъмон:

— Буни сенда синаб кўриш керак! — деди ва уни шу ариқ лабида сўйишни буюрди.

Ўз мақоми ва жойида айтилмаган сўз одамнинг ўз душмани бўлади.

Байт:

***Гарчи жим ўтирмоқ хирандманд наздида хўшдир,***
***Валекин маслаҳат пайтида хуш бўлғай***
***фикр айтмоқ.***
***Билиб қўй икки пайтда жим ўтирмоқ***
***бефаҳмликдир,***
***Керак пайтда сўз айтмай, нокерак***
***пайтида дам урмоқ.***

**Муиниддий ЖУВАЙНИЙ.**

• Эшак билан бир туя саҳрода топишиб қолдилар. Иттифоқо ҳавоси хуш ва суви дилкаш бир сабзазорга етиб келдилар. Бир неча кун ўша жойда ўтлаб юришди. Ориқ танларига ва яғир елкаларига даво қилишди. Бир куни эшак баланд тепа устига чиқиб, узоқда бўй чўзиб турган дарахтларни кўрди. Тўтилар ширин забон мутриблар каби тараннум қилишар, ёввойи кабутарлар мастона қоматларини чўзиб, «ку-ку»лаб юрар, оҳулар сабзазорда дам олиб ётишар, булбуллар эса, ғазал ўқишарди.

Фард:

***Боғу сабзазорларда бугун сайр замони,***
***Қушлар қўшиқ куйлашар кулган бугун даврони!***

Эшак деди: «Эй укам, бугун бир ашула айтиб, ошифта қушларни парвозга келтиришни хоҳлайман!..»

Қитъа:

***Шундай айтай ашула, овозимнинг завқидан,***
***Фаришталар ҳаттоки қилсин жўш ила хуруш.***
***Ёқимли бу нағмани қушлар эшитган замон,***
***Лол қолишиб, сайрамай бўлиб қолишсин хомуш!***

Туя деди: «Зинҳор бу орзуни каллангдан чиқарки, овозинг ёқимсиз ва даҳшатлидир. Нафратли овозингдан одамлар эмас, ҳайвонлар ҳам заҳмат топади». Эшак деди: «Дўст билан душман орасида тафовут ва яхши билан ёмон орасида ихтилоф бор. Ҳар хил гапга ишонма! Мен мусиқа фанида ва овозимни созлашда кўп машаққатлар тортганман. Мен мусиқа табиатини ва яхши-ёмон овознинг тавофутини яхши биламан!..» Туя деди: «Бу ҳавасни ташла! Қишлоқлар узоқ, карвон йўли эса бизга яқиндир. Карвон ўтиб кетаётган бўлса, овозингни эшитиб қолади. У пайтда юк остига тушасан ва «Ироқ», «Исфахон» нағмангдан ўзинг ғамгин бўласан. Мен бир гапни айтдим. Уёғини ўзинг биласан!»

Қитъа:

***Ҳар ким агар сўзларингга қулоғини солмаса,***
***Тилингни тий, қилма унга ўгит, сўзларинг бекор.***
***Беморга сен, хурмо ема, десанг агар еса, у,***
***Сенда нима гуноҳ дарди ошиб яна бўлса хор!***

Шу он эшак наъра тортиб юборди ва нафратли садоси карвонга етиб борди. Карвондагиларнинг эшаги чарчаб, юк остида қолган эди. Дарҳол келиб, эшак билан туяни тутиб олдилар ва устига юк юкладилар.

Фард:

***Мусофир кўрса эгасиз бирор эшак,***
***Марвдан Ҳиротгача миниб боради, бешак.***

Озгина йўл босилгач, эшак юролмай қолди. Унинг юкини ҳам туяга юкладилар . Яна бир оз юрилгач эшак бутунлай юролмай қолди. Уни кўтариб, туя устига ўнгардилар.

Байт:

***Сен туфайли бугун мен жуда енгил хушёрман,***
***Юким устига яна юкинг бўлса қўявер!***

Бир тепа устига етиб келганларида, туя юришдан тўхтади. «Нега юрмаяпсан?» сўради эшак. «Рақсга тушмоқчиман!» деди туя. «Эй нодон, ҳозир рақс қиладиган пайтми? Юр!» деди эшак. «Менда бир завқ ва ажойиб ҳолат пайдо бўлиб қолди» деди туя. «Нима сабабдан?» сўради эшак. «Ўша сабзазорда сен чалган дилкаш ва ёқимли нағмадан!» деди туя. Шундай деб, рақсга тушиб кетди. Эшак унинг устидан қулаб, бўйни синди.

Қитъа:

***Насиҳатим эшит, эй хушёр киши,***
***Аҳмоқ билан асло бўлма суҳбатдош.***
***Нодон киши қора сиёҳга ўхшар,***
***Доғи тегмай ундан олиб қочгин бош!***

**Муҳаммад ҲАВОФИЙ.**
**Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.**

# ОРАСТА ХОНАДОНЛАР

Ватан остонадан бошланганидек, саранжомлик эса хонадондан бошланади. Ўз уйини, ҳовлисини озода, саранжом-саришта тутган одам маҳалласини, яшаб турган юртини ҳамиша обод, озода ва кўркам кўргиси келади, бу борада қўлидан келганча саъй-ҳаракат қилади.

*«Гулим, уйим, шаҳрим» шаҳар кўрик-танлови*

Пойтахтимизни янада кўркамлаштириш, унинг экологик тозалигини, озодалигини сақлаш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш, ҳар бир хонадон, кўча ва маҳалласини гулу гулзорларга айлантириш, у ерда яшовчиларнинг дилида она-табиатга, Ватанга бўлган муҳаббатини орттириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими фармойишига кўра шаҳримизда «Гулим, уйим, шаҳрим» кўрик-танлови кўтаринки руҳда бўлиб ўтмоқда.

Миробод туманида ҳам ушбу кўрик-танловнинг туман босқичи муваффақиятли якунланди. Туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Экосан», «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари кўрик-танловнинг юқори савияда ўтишини таъминладилар.

— Ҳайъат аъзолари кўрик-танловда иштирок этувчиларнинг хонадонларида бўлиб, уларнинг уйи, ҳовлисининг саранжом-саришталиги, ободончилиги, кўкаламзор ва гулзорлигига, хонадонда ўсаётган фарзандларнинг она табиатга, ўсимлик ва гулларга меҳри баландлигига алоҳида эътибор қаратишди, — дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Моҳира Раҳимбердиева. — Шуни алоҳида айтиш лозимки, жуда кўплаб хонадонларимизнинг орасталиги, кўркамлиги бизни мамнун этди. Ўйлаймизки, бугунги тадбиримизда ғолибларни эълон қилар эканмиз, туманимиздаги барча хонадонлар улардан ибрат олишади, уларнинг тажрибалари маҳалла фаоллари, оқила бекаларимиз томонидан оммалаштирилади.

Кўрик-танловнинг туман босқичида иштирок этган 8 та хонадоннинг 3 таси шартларга тўлиқ жавоб бериб ғолиблик шоҳсупасидан ўрин олдилар. Шароф Рашидов номли маҳалладан Ниёзовлар, «Қўйлиқ ота» маҳалласидан Муҳамедовлар, «Темирйўлчилар» маҳалласидан Абутовлар оилалари ғолиб бўлдилар ва туман ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди. «Қўйлиқ ота» маҳалласилик Муҳамедовлар оиласи шаҳар кўрик-танловида қатнашишга муносиб деб топилди.

— Бу оила аъзоларининг озодалиги, хонадонига меҳр билан қараши, ҳовлисида ўстирган гулларининг ранг-баранглиги, оилада камол топаётган фарзандларининг ўсимлик ва гулларга меҳри, маҳалла орасталигига қўшаётган ҳиссалари мақтовга арзирли, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муҳайё Исмоилова. — Маҳалламизда шундай шаҳарга ҳам ибрат бўларли хонадонлар борлигидан фахрланамиз. Мақсадимиз эса ана шундай оилалар, ҳовли ва кўчаларни кўпайтиришдир.

**Дилдора ИЛЁСОВА.**

